

## АУДИТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИДА КАСБҲИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Аманбаев Муратбай Абдимуратович

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7192875>

**Аннотация.** Мақолада бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий компетенцияларни ривожлантириши, касбий компетентликни шакллантириши буйича амалга оширилган ишлар, бўлажак ўқитувчиларнинг инновацион технологиялари ва касбий, шахсий кўникмаларини ошириш учун педагогик-психологик шарт-шароитлар, касбий компетентлигини шакллантириши каби масалалар ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** технология фани, миллий қадриятлар, халқ хунармандчилиги.

## ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ НА ОСНОВЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В АУДИТОРНЫХ ЗАНЯТИЯХ

**Аннотация.** В статье отражена работа, проводимая по развитию профессиональных компетенций будущих учителей технологии, формирование профессиональной компетентности, инновационные технологии и педагогико-психологические условия повышения профессионального и личностного мастерства будущих учителей, а также такие вопросы, как формирование профессиональной компетентность

**Ключевые слова:** наука о технике, национальные ценности, народные промыслы.

## INNOVATIVE TECHNOLOGIES FOR THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCES BASED ON NATIONAL VALUES IN AUDIENCE TRAINING

**Abstract.** The article reflects the work carried out on the development of professional competences of future technology teachers, the formation of professional competence, innovative technologies and pedagogical-psychological conditions for improving the professional and personal skills of future teachers, and issues such as the formation of professional competence.

**Key words:** science of technology, national values, folk crafts.

## КИРИШ

Олий таълим муассасаларида бўлажак технология фани ўқитувчилари ёғочга ва металлларга ишлов бериш, пазандачилик ва газламага ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган ва миллий қадриятлар асосида халқ хунармандчилигига оид технологиялари, хунармандларнинг бозор муносабатлари асосидаги фаолиятлари, уюшмалари ва унинг истикболлари, хунармандчилик бўйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш ва иштирокчиларни танлаш қоидалари, хунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, халқ хунармандчилигида фойдаланилаётган нодир материаллар, асбоб-ускуналар, миллий қадриятлар асосида халқ хунармандчилигига оид касбий компетенциялар орқали узлуксизлиги, узвийлиги ва яхлитлиги таъминланади. Бунда баҳолаш, композицион яхлитлик, халқ хунармандчилигига оид танланган битта касб-хунар турлар, халқ хунармандчилигининг танланган йўналиши бўйича уйғунлаштирилган маҳсулот тайёрлаш иш усуллари, замонавий дизайн талаблари билан уйғунлаштирилган халқ хунармандчилиги

маҳсулотларини тайёрлаш иш усулларига оид билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

## **ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Миллий кадриятлар асосида бўлажак технология фани ўқитувчиларининг халқ ҳунармандчилигига оид касбий компетенциялари ривожлантиришнинг педагогик тизими элементлари сифатида қуйидагилар тақлиф этилди: мақсад ва вазифалар; технологик таълим ўқитувчиларининг халқ ҳунармандчилигига оид касбий компетенцияларини кадриятлар асосида ривожлантириш босқичлари; бўлажак технология фани ўқитувчиларининг халқ ҳунармандчилигига оид касбий компетенцияларини кадриятлар асосида ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ва натижавий-баҳолашни ўз ичига олади.

Айни вақтда Республикамиз ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламини қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига касбий компетенцияларни ривожлантириш технологияларини тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қилади.

Бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини миллий кадриятлар асосида ривожлантиришда таълим-тарбия бериш жараёнига анъанавий ёндашув сифатида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган. Бу кўп ҳолларда талабаларнинг кўп билимга эга бўлган мутахассис бўлиб етишишига ўз қизиқиш ва мойиллигига мос бўлган касбни танлаш имкониятини беради, уларнинг кўпчилиги бу билим, кўникма ва малакалардан ўзларининг касбий фаолиятида самарали фойдалана олмаяпти.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ**

Бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини миллий кадриятлар асосида ривожланишининг устувор йўналишлари қуйидаги стратегик мақсадлари ҳисобланади:

технологик таълимни меҳнат бозори талаблари асосида модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш;

бўлажак технология фани ўқитувчиларида техник объект ҳамда технологик жараён давомида бажариладиган операциялар юзасидан олган билим, кўникма ва малакаларини мустақил амалий фаолиятда қўллаш, касб-ҳунар танлаш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган касбий компетенцияларини шакллантириш;

технологик саводхонлик, танқидий, креатив ва тизимли фикрлаш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўз интеллектуал қобилиятларини намоён эта олиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш инновацион технологияларга боғлиқлиги билан ифодаланади.

## **МУҲОКАМА**

Инновацион таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш қобилиятини намоён этади.

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули.

Технология фани ўқитувчисини самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасини пухта ишлаб чиқишдан фарқли ўлароқ, инновацион таълим технологияси талабалар фаолиятига нисбатан йўналтирилган бўлиб, у талабаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган ҳолда, ўқув материалларини инновацион ёндашув асосида ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Инновацион таълим технологиясининг марказий муаммоси – таълим оловчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан “педагогик технология” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни “амалиётга тadbик қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси” дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратади.

Бўлажак технология фани ўқитувчиларининг халқ ҳунармандчилигига оид касбий компетенцияларини миллий кадриятлар асосида ривожлантириш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Инновацион технологияларнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда уларни амалиётга тadbик этишнинг самарадорлигини бир қатор мезонлар билан аниқлаш мумкин. Улар қуйидагилардир:

- таълим, тарбия ва шахсни ривожлантириш вазифаларининг ўзида яхлит акс эттира олиши;
- кўп функцияли таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни осон эксплуатация қилиш имкониятининг мавжулиги;
- педагогнинг талабаларга мустақил ишларни самарали ташкил этишга кўмалашиш даражаси.

Шу сабабли инновацион технологияларнинг самарадорлигини технологик таълим ўқитувчиси томонидан уларнинг қўлланилишига кўра ҳам баҳолаш мумкин. Ўқитиш тизимида инновацион технологияларни самарали қўллаш педагогнинг касбий компетенциясиги ҳам боғлиқ. Бунда қуйидаги мезонлар муҳим аҳамиятга эга:

бўлажак технология фани ўқитувчиси томонидан инновацион технологияларга ижодий яъни, “креатив” ўзгаришлар киритилиши ва уларнинг қайта шакллантирилиши;

Санаб ўтилган мезонларга асосан 1-жадвалда касбий компетенцияларнинг ривожлантиришни 3 та компонентга бўлиб аниқладик ва улар қуйидагиларни ўз ичига олади.

1-жадвал

### Бўлажак технология фани ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш компонентлари

№	Касбий компетенция	Халқ хунармандчилиги ва бадий лойиҳалаш фани мисолида 5112100-Технологик таълим йўналиши учун		Натижа
1	Таълим бериш компетентлиги	Назарий	Халқ хунармандчилиги ва бадий лойиҳалашни ўрганади	Ўзлаштириш кўрсаткичига асосан
		Амалий	Халқ хунармандчилиги ва бадий лойиҳалайди	
		Мустақил таълим	Халқ хунармандчилиги ва бадий лойиҳалашларни таҳлил қилади	
2	Тарбиялаш олиш компетентлиги	Шахсий намуна	Ўқитувчининг педагогик одоб бўйича шахсий намунаси	Анкета сўрови ва топшириқлар асосида
		Рағбатлантириш	Компетенцияларни эгаллашга ҳаракат қилган ва эришганлиги	
		Жазолаш	Топшириқларни бажармаслик ёки жазоланиши хато бажариши ёки жазоланиши	
3	Таълимнинг замонавий усулларини қўллаш компетентлиги	Лойиҳалаш методи	Визуал назоратга асосланган ўқув амлиёт жойини самарали ташкил этишни ўрганади	Ўзлаштириш кўрсаткичига асосан
		Crafts technologyasi	Талабалар ҳамкорликда ишлашни ўрганади, ақлий менатга, ижодий ва мустақил фикр юритади	
		“CLEVER портфолио” методи	Талабани мантиқий фикрлаши шаклланади, назарияни амалиётга боғлай олади	

#### ХУЛОСА

Демак, талаба-ёшларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлари, лаёқатлари ҳисобга олинганлиги; талаба-ёшларда ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилганлиги; талаба-ёшларда мустақил ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан изоҳланади.

#### REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим

- тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори. [www. lex. uz](http://www.lex.uz).
2. Абдурашидов А.А. Миллий ҳунармандчилик воситасида талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари: Афтореф. дис PhD док. – Тошкент, 2019. – 21 б.
  3. Зоҳидова Д.А. Ҳунармандчиликка кириш. Методик қўлланма. – Тошкент, 2012. – Б. 16.
  4. Шомирзаев М.Х. Миллий ҳунармандчиликнинг шаклланиши васпектриал-вариатив ривожланишида фанлар интеграцияси. – Тошкент: Тафаккур, 2020. – 164 б.